





- Шаҳарнинг жанубий қисмида
- Тажриба цехининг янги маҳсулотлари
- Маданиятимиз дурдоналари

Ишбилармонлик-бозор талаби

ҲОЛВА ҲАМ БЎЛАДИ, ОҒИЗ ҲАМ ЧУЧИЙДИ



турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини қириб тоялмайди. Утган йилнинг ўзига 10 га яқин янги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик.

Одатда завод, фабрикаларда ишчи кучини камайтириш, кўл меҳнатини энгилаштириш учун юмушларни автоматлаштириш йўллари изланади. Бу ерда ҳам кўп йиллар давомида талай ишлар автоматлаштирилди, кўп меҳнат сарф этиладиган участкаларда механизмлардан кўпроқ фойдаланиш йўлга қўйилди. Бироқ, бу ҳаракатнинг вақтинча тўхтатишга тўғри келаяпти. Чунки хом ашё танқис бўлганидан кейин мавжуд техникаларга ҳам иш йўқ. Энди яна кўл меҳнати га қайтилади.

— Албатта, бу жараён вақтинча, — деди корхона директори, суҳбатни давом эттириб. — Хом ашё кўпайиб, ҳамма цехлар тўла қувват билан ишлаб босганда, механизмлардан тўла фойдаланамиз. Айни кунларда кўл меҳнати бир оз кўпайтириганимизнинг босиб, биринчидан ишчиларни бекор қолдирмаслик. Чунки уларга маош тўлаш керак. Иккинчидан, яратилган янги маҳсулотларни эски машиналарда тайёрлаш имкони йўқ. Шунинг учун ҳам ишчиларнинг бир қисmini янги турдаги қандолатларни ишлаб чиқаришга жалб этдик.

Корхонанинг тажриба цехи асосан янги маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва уни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишга мослаштирилган.

— Жамоамизда асосан қандолатчиликда кўзи пилган, ўз насабининг усталари меҳнат қилишади, — деди цех бошлиғи Марат Мажи-дов. — Биз корхона мутахассислари ҳамкорлигида янги турдаги ширинликлар тайёрлашни ўзлаштирамиз. Кейинги пайтда имкони борича танқис хом ашёлардан тайёрланаётган қандолатларни камайтирмасликка ҳаракат қилияпти. Бунинг учун Россия, Украина, Беларусь кўч таъкиб ўтмай, айнан ўзимизнинг минтақамизда етиштирилган мевадан аралаштириб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаряпти. Шу йил бошла-ридаёқ 5 хил турда янги ширинлик тайёрлашни ўзлаштирдик. Республикада етиштирилмаган ёноқ ва ер ёноқини махсус тайёрланган қиёмга аралаштириб, педда қотирилди ва кесиб қозоқ-га ўралди. Бу ширинлик жуда харидорбўр эканлиги биринчи кўздан кўриб қолган бўлди. Холванинг ўзгартирилган турига «Нуга» деб ном бердик. Эндиликда қовун қоқилан ҳам ширинлик тайёрлашмиш. Ҳиндистон қукути қиём билан аралаштириб, тўртбурчак шаклида кесиб яхтам қутиларга жойланаёпти. Бу эса қўлда тайёрлаб, бозорда чиқарилаётган анча арзон тушалапти. Ҳозирги кунда цехда янги маҳсулотлар тайёрлашга ҳам тайёргарлик қўриляпти.

Бозор шароитида қандолат маҳсулотларининг нархи ҳам ошадди. Сабабини янги ширинликлар дўконларда серо бўлишига умид боғляпти.

Йил бошламасдан олдин корхона республика савдо ташкилотлари билан маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома тузган эди. Очиги, уни бажара олмапти. Сабаби, хом ашёнинг 80 фоизи Россия, Украинадан келтири-лиши керак. Ҳозирча бевосита алоқа йўли билан оз миқдорда шакер олинаяпти. Эндиликда чет эллар билан алоқа ўрнатилишига умид боғляпти. Янгида Ўзбекистон озиқ-овқат саноати концерни-га Туркиядан вакиллар келиши. Улар ердан қўлингизни чўзишга, айрим муаммолар-ни ҳал этишда қўмаклашиш-га сўз бердилар.

Биз мутахассислар билан суҳбатлашиб ўтирганимизда яна бир янги маҳсулотни тайёрлаб, уни кўрсатиш учун олиб келишимиз. Номини «Гул сават» деб аташган бу ширинлик тез кунларда дўко пештахталарига етиб боради.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар акс эттирилган. Руслан Шарифов суратлари.

«Ўртоқ» қандолатчилиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасининг ирис ширинлиги тайёрланадиган цехи деярли тўхтаб қолди. Бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга асосан қиёмсиз ишлатилади. Кейинги ойларида Россия ва Укра-

эканмиз, дўконлардаги хилма-хил қозоқларга ўралган, кўзи қамаштириб турадиган конфетлар қаёққа «гойба» бўлганини аниқлаш бошладик. Утган йилнинг апрель ойларидан бошлаб, яъни нарх-наво кўтарилигидан кейин корхонага шакер, кофе, ен-

зилган шартномалар қозоқдан нарига кўчмади. Россия ва Украинадаги қанд за-водлари ўз вақтида шакер юбормадилар. Бевосита алоқа қилиш йўли билан амал-лаб топилган хом ашё кор-хонани «тебратиб» туришга аради.

— Йиллик режа ва унинг бажарилиши ҳақида гапи-ришниги ўзи қўлини бўлиб қолди. — деди корхона ди-ректори Мухтор Икромов. — Чунки хом ашё бир маром-да келиб турмагандан кейин ишлаб чиқариш ҳам бир суръатда бўлмади. Албат-та, кўпга келган тўй экан деб, қўл қовуштириб ўти-ришниги мавриди эмас. Кор-хона ишлаган тураредди, бироқ уни юргазиб турган ишчи-хизматчиларни ўйлаш керак. 500 га яқин киши шу ерда тирикчилик ўтказишга-пти. Деярли ҳаммаси оилали, бола-чақаси бор. Шунинг учун ҳам уларни имкони бор-ича иш билан таъминлашга ҳаракат қилияпти.

Маълум бўлишича, фақат биргина тур ширинлик тай-ёрлаш учун камиди 5-6 хил масаллиқ керак бўларкан. Айрим шоколадлар учун эса 10—15 хил қўшилади. Бу дегани корхона 10-15 ташки-лотта, заводга кўз тикади, демакдир.

— Корхонамиз тўла ишла-ши учун 120 дан ортиқ жой-дан хом ашё келиши керак, — деди Мухтор Икромов. — Албатта, маҳсулот сифати белгиланган меърада ҳамма масаллиқларнинг қўшилиши-га боғлиқ. Таркибиди харби-жа ўзгартиб бўлса, ўша ширин-лик кўнглидагидек бўл-майди. Масаллиқларнинг ай-рим турлари хориздан валю-тата сотиб олинади. Иқтисо-дий қийинчилик шароитида хориздан келадиган хом ашё ҳам тўхтади. Биз бор масаллиқларнинг ўзидан унумли фойдаланиб, янги



инадан келтириладиган бу хом ашёнинг узилди қўлини ишчиларнинг юмушсиз қў-лиларига сабаб бўлди.

Биз корхонанинг биргина цехини мисол қилиб келти-рдик. У ердаги иш жараё-ни ва аҳвол билан танишар

роқ ва бошқа хом ашёлар-нинг келиши камаб борди. Айниса шакер масаласи оғирлашти. Мамакатдаги иқтисодий таназзул туғайли рўй берган бошбоқчилик-лар тасири корхонани чет-лаб ўтмади. Йил бошида ту-



Бу-қизиқ

ТУЯҚУШ ТУХУМИ

АРХЕОЛОГЛАРНИНГ тасдиқлашича, тош асрининг одам-лари туяқуш туҳумини севиб истеъмол қилишган, табиқий, бу жониворни хонакешла-штиришга ҳам улгуришгандир. Мутахассисларнинг бундай туҳмага келганига Жанубий Америкада танитилган туяқуш туҳумининг пўчоқлари сабаб

бўлди. Маълум бўлишича бу жонивор туҳумининг пўчоғида аминокислота мавжуд бўлиб, ушбу кимёвий модда анча давр ўтса-да ўзи макон топ-ган жойга ҳеч қандай зарар етмаслигини таъминлар экан. Мутахассислар туҳум пўчоқлари бундан 200 минг йил муқад-дам ерга тушганини аниқлаш-ди. Ҳозирда энг замонавий бўлган радиокарбон қури-

маси топилма қадимий турини 50 минг йилгача аниқлай ола-ди. Пўчоқлар ёрдамида ин-соннинг қачон пайдо бўлгани-ни аниқлаш мумкиндир балки.

ЭНГ СОДА ТИЛ

Жаҳонда энг сода тил Гавай оролида яшовчи халқ-лар лисонидир. Унда 6 та ундош ва 5 та унли ҳарфлар бор ҳолос. Шунингдек бу тил-

да бирорта ҳам талаффуз қилиш қийин бўлган сўз учра-майди. Аммо унинг грамматик-сиз шу қадар мураккабки, ҳаёт ўткир тилшунослар ҳам бу тил қариндаси ил эшол-май қолшади. Шундай бўл-са-да гавай тилида ҳеч қий-намай исталган фикрни из-ҳор этиш мумкин.

Анвар АБДУЛЛАЕВ тайёрлаган.

Турмушимизга «бир-жа» деган тушунча-нинг кириб келгани-га ҳали кўп вақт бўл-гани йўқ. Иш билан таъминлаш, корхона-лар учун малакали ходимлар тайёрлашга бундай жамоанинг кў-пайиши ҳиссан кат-тадир. Бу борада Бек-темир районида қан-дай ишлар амалга оширилганлигини би-лиш мақсадида мух-биримиз район меҳнат биржасининг директо-ри Ҳасан Эромутов бил-ан суҳбатладик.

Ҳасан Иброҳимович, сиз бошқараётган биржа-нинг асосий вазифаси нималардан иборат?

— Меҳнат биржалари мам-лакатимизда шу йилнинг май ойидан ташкил этила бошланди. Аслида эса иш билан таъминлаш хизмати ҳақида биринчи бўлиб, рес-публикамизда қарор қабул қилинган. Аммо шунга қара-май негандир бизда ҳанузгача биржа тўғрисидаги қонун тасдиқлангани йўқ. Навбат-даги сессиягача ана шундай ҳужжат тайёрлашга умид боғляяпти. Ҳозирча жамоа-мизнинг ҳақ-ҳуқуқлари би-роз чекланган. Шу бос қо-нун қабул қилинишидан манфаатдормиз. Энди асосий бажараётган ишимизга тўх-талсак, илгари бизнинг вазифа-мизни аҳолини ишга жой-лаштириш хизмати олиб бо-рар эди. Ҳозир меҳнатга тааллуқли барча масалалар билан таъминлаш шугул-ланаёпти. Масалан, янги иш жойлари ташкил қилиш, ки-чин корхоналар очиб, меҳ-натга ҳақ тўлашни назорат қилиш ва бошқалар. Айтай-лик, райондаги ички корхо-нада ишлаб чиқариш бир хил

бўла туриб, турли миқдорда иш ҳақи тўланаёпти. Ана шу кам таъминланаётган иш-чиларни илтимос қилиб қилиш бурчимиздир.

— Демак, аҳолини ишга жойлаштириш хизматидан биржанинг фарқи ҳам шунда экан-да.

— Тўғри таъкидлаганингиз. Биржанинг вазифаси фақат одамларга иш топиб бериш эмас, балки уларнинг ман-фаатини ҳимоялаш, касблар бўйича ўқитиш, райондаги

мизни илтимос қилди. Шу-лардан 588 нафари турли корхона ва ташкилотларга ишга жойланган эди. 443 нафари ишга жойлашди. Биржага келган ҳар бир кишига турли корхоналарда-ги иш жойлари, иш ҳақи ва шарт-шароитлар ҳақида маълумот берилди. Агар уни қониқтирса ўзи маъқул қўрган жойга ишга жой-ланди. Ахиринча бўлса не-ғирли маслаҳатларни бера-миз. Бизга мурожаат қил-

Каримов бизнинг бозорга ўтишда ўз йўлини бўлади, деб қайта-қайта таъкидлапти. Бундан вақтинча ишсиз қол-ганларни қайта тайёрлаш ҳам қўзда тутилмоқда.

Очиги, бизда малакали му-тахассислар кам. Шунинг учун ишчилар малакасини ошириш учун маблагни ая-маслик келар экан.

Ишчилар кўпайган тақ-дирда ҳам уларни мажбуран ишга жойлаштириш нотўғри бўлади, деб ўйлайман. Чунки ҳаммамнинг ҳам бирор корхо-на ёки ташкилотда ишлаши шарт эмас. Чунки баъзи ки-шиларнинг оиласида ёни бошқа томондан даромадла-ри бўлиши мумкин. Бундай-ларга эркинлик бериш ке-рак.

Меҳнат биржаларида ИШГА ЖОЙЛАШТИРАДИ, МАСЛАҲАТ БЕРАДИ

вазирати тақдир қилиш ва бошқа қатор вазифалар билан ҳам шугулланади. Яна бир муҳим жиҳати, меҳ-нат биржаларининг ўз база-си мавжуд. Агар қонун қа-бул қилинса, албатта жам-фармасига ҳам эга бўлади. Агар жамғарма ташкил этилса, райондаги ишлаб чи-қариш корхоналари меҳнат-га ҳақ тўлаш жамғармаси-дан биржа учун ўз даромад-ларининг уч фоизини ўтказ-иб турадилар.

— Аҳолини ишга жойла-штириш сизларда қандай аҳ-волда? Биржага иш сўраб мурожаат қилётганлар ан-чагина бўлса керак?

— Районимиз аҳолиси унча кўп бўлмасда, Ҳозир-ча 629 киши ердан бериши-

ганларнинг аксарияти хо-тин-қизлардир. Уларнинг асосий қисми муҳандис-тех-ник ходимлар. Бу касб бў-йича бор-йўғи 20 кишига ўрин бор ҳолос.

— Ҳозир замон оғир. Ма-бодо республикамизда ишсиз-лар сон кўпайиб кетса, бир-жалар уларни иш билан таъминлашга қодирми?

— Ҳозирча тахминий ҳис-об-китобларга қараганда, бо-зор иқтисодиётига ўтилган-да Ўзбекистонда вақтинча иш-сизлар сон 1.5 миллион кишидан ортиши мумкин. Албатта буларнинг барчаси-ни иш билан таъминлаш ва қайта ўқитиш керак бўлади. Бунинг учун 1 миллиард ат-рофида маблаг зарур.

Президентимиз Исло

Меҳнат биржасининг режалари билан ҳам ўртоқ-лашаёмиз?

— Агар юқорида тилга олинган қонун қабул қилин-са, биз ишламаётган хотин-қизлар учун касаначиликни кенг йўлга қўймоқчимиз. Уларни тикув машиналари билан таъминлаб, хонадон-ларига ҳам ашё етказиб бе-рилади. Ҳозирча эса маблагим-низ йўқ.

Яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Районимизда ўнлаб корхоналар мавжуд. Шу бос одамларни ишга жойлаштириш учунгина муам-мо эмас. Хатто баъзи кор-хоналарда ишчи кучи етши-майди. Бунинг бошқа саба-би ҳам бор. Районда мадан-ий марказлари, клублар, дўконлар ва бошқа маданый-маиший хизмат шохобчалар-и етарли эмас. Шундан бўлса керак корхоналарга келиб ишлаш хоҳишини бил-дираётганлар озчилигини

Муҳиддин БОЗОРОВ.

БЎЗСУВ

Чирчиқ дарёсидан Тошкент шаҳрига сув келтирувчи асосий каналдир. Унинг узунлиги салкам 160 километри ташкил қилади. Номининг маъноси ўзига хос тарихий жуғрофик аҳамиятга эга.

«Бўз» асли туркий сўз бўлиб, унинг талаффузи маънолари бор. Жумладан, ранг, тус маъносиде. Бўзранг — оч кулранг, бўз тўроқ — чўл ёки дашт тўроғининг бир тури, сарғим рангда, Урта Осиё тоғ эталарида кенг тарқалган.

«Бўз» — қўлда тўқилган мато номи «бўзрайиш» — сўзи ҳам шу маъно-га яқин туради.

Жой номларини биласизми?

«ҚОРАСУВ»НИНГ СУВИ ҚОРАМИ?

Болгар тилида эса «бўзалик», «бўзлик» деган сўзлар мавжуд бў-либ, уларнинг «тўлоқ ер», «аланг жой», «қуриқ» деган маънолари бор. Габрий Сибирда «бўз» деб янги даштни айтишади. Дарвоқе, «бўз бо-ла» — ш йитиб ва «бўз уй» — ин-ги ўтов аталмаври ҳам юқорида қайд этилган «янги» сўзи билан маънодошидир.

«Бўз» атамаси билан юртиливи жой номлари аниқланади. Мисол тари-қасида Андижон вилоятидаги Бўз райони оғиш мумкин.

Тошкентдаги «Бўзсув» номи маъ-носига келсак, у ҳам ана шу кейин-ги ҳулосадан келиб чиққан. Шаҳар-нинг шарқ томони (ҳозирги Куйб-ишв району ва унинг атрофлари) илгари «бўз мавзеси» деб аталарди. Ҳозирги Туркистон ҳарбий ок-руги штаби Бўз маҳалласи-нинг ўрнида қўқ кўтарган. Қадимда, босон чорва моллари ўтлаб юрадиган яйловдан иборат бўлган. Ушбу қўқ ердан оқиб ўтган сув тармоғи эса «бўзсув» дея аталган.

ҚОРАСУВ — Тошкент шаҳрининг жанубий қисмидан оқиб ўтувчи ариқ. Бўзсув каналдан сув олади. Шаҳарга оқиб кирганда сувининг бир қисми Тўрт, Чилдўхтарон, Сарик-кўл, Рўмон, Пулемас, Полвон тар-моқларига оқиб шакер ободончили-гида ишлатилади, қолган қисми Салор ариғига қўйилади. Узунлиги 37 километрга яқин.

Ушбу ариқ оқиб ўтган ерларда Қорасу деган жой номлари пайдо бўлган. Чунки, Қорасу масжиди, Қорасу даҳаси, Қорасу бозори, Дарвоқе, шаҳарнинг ана шу ариқ оқиб ўтган жанубий қисмида 60-йилларда Қорасу райони бўлиб, у Тошкент вилоятига қарарди. Шаҳар чегараси жанубий йўналишда кенга-йиши муносабати билан бу ном йўқ бўлди. Унинг ўрнига 1968 йили Хамза райони ташкил топди, бир қисм ерлер Ленин районига ўтди.

Номининг маъносини «Қора ранг-даги сув» деб шарҳлаш нотўғри албатта. «Қора» сўзи ерга тааллуқ-лидир. Халқимизда «қора ер» деган ибора ҳам бор. Маҳмуд Қош-гарийнинг «Девону луватит турки асариде «қора ўрун» — гўр деган маънони аниқлатади. Аслида ер ос-ти сувлари (кўпинча булоқлардан тўйинган ариқларни туркий халқлар-да Қорасу деб аташган. Шу билан бирга, сулзий ўзанлардан (канал) оққан сувларини ҳам Қорасу дейиш-ган. «Қора» сўзининг туркий халқ-ларда «қимол томон» деган маъ-носи ҳам бор.

Қорасу деган жой номи Урта Осиёда, айниқса унинг шарқий вилоятларида (кўпроқ тоғ эталари-да) кенг тарқалган. Бу ном Кавказ, Туркия, Волгабўйи, Олтой каби ўл-каларнинг жой номлари рўйхатидан ўрин олган.

Омонулло БУРИЕВ, тарих фанлари номзоди, шарқшу-нос.

Тикланаётган кадрлар

«ШАШМАҚОМ»ДЕК УМРБОҚИЙ

Музейимиздаги маданият дур-доналарини кўздан кечирсангиз илгари санъатимиз сийбас билан боғлиқ бўлгани яққол сезилиб туради. Тўғри, ўша кезлари кўп-лаб халқ усталари, мусаввирлар ўзларига ёққан мавзуларда асар яратиш жараёнида «ўтмиши қўйтурайлик, ҳозир фаровонлик, адолатли замон», деган даъват-ларга амал қилмай иложлари йўқ, эди. Шундай қилинмаса тирикчи-лик ўтмасди. Хатто манаман деган тасвир устасининг ҳам халқнинг аянчи аҳволига мурожаат этиши қийин бўлган.

Хайриятки, санъатимиз намоён-далари орасида журғатилар ҳам оз эмасди. Масалан, ўзбек мусаввири Нигитали Турсунна-зов ҳали ёш бўлса-да дадил, изла-нувчан, Унинг музейда намоиш этилаётган «Қорахат» асариде бешик қучоқлаган она қайғуси, бир ёнда жанг майдонидан келган уч бурчакли қорахатни кўрамин.

Ижодкор аёлини бешикдаги бо-ласи билан миллий кўрinishида тас-вирлаган. Бу билан у оғир уруш давридаги халқ руҳини ҳақоний акс эттириб, уларга ҳамдардлик билдираёпти.

Очиги тан олиш зарур, баъзан сийбас, замон талаби рўнак қили-ниб, иқтидорли ижодкорлар кам-ситиб келинди. Хайриятки, қайта кўриш, ошқоралик туғайли улар юзага чиқишяпти. Улғу Ватан урушидан кўси тўла орден ва медаллар билан қайтган Зокир Имомов ҳаёти даврида кўп зах-матлар келди. У 70 ёшдан ошган-дагина елкасига оғир оғиб, Ўз-бекистон халқ мусаввири унвонини олишга сазовор бўлди. Совет Ит-тифоқи Қаҳрамони Самин Абдул-лаев ярим асрча ўз мўйқалами билан халқимиз турмушига оид беҳисоб асарлар яратди. Аммо серирура ижоди, баъзилар меҳ-натни ҳамон кўп топаётгани йўқ. Ҳинмат Раҳмонов-чи? У ҳам умри давомида рўшнолик кўрмай, сал-кам саксон ёшида оламдан ўтди.

Номлари тилга олинган бу тас-вир усталарининг асарлари умр-боқий, изохлашга муҳтож эмас. Улар аниқ тасвирлангани, ҳаё-тийлиги учун ихлосмандлар меҳ-рини қозонмоқда.

Ҳақиқий санъат намунаси худди «Шашмақом» сингари боқий, ҳар қандай таъбирлардан омон чиқа-ди. Қулоқчилик, ганҷқорлик, ёроқ ўймакорчилиги, наққошлик, зар-дўзлик, заргарлик, гиламдўзлик, мисгарлик ҳунарлари ва миллий либосларда халқимизнинг асарла-дан бери сақланиб келаятган ўт-кир диди, юксак маданияти, иб-

ратли урф-одатлари акс эттирил-ган. Шу бос улар халқлар ўрта-сидаги дўстлик алоқаларимизни мустаҳкамлаб келишга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда хори-жий мамлакатлар ва қўшни рес-публикалар музейларида албатта маданиятимиз намуналари учрай-ди. Бошқа халқлар ижоди тур-лари эса ўзимизда ҳам топилди. Маданий меросимиз қаерда бўл-масин бешикаст, яхши сақланаёт-ган экан шунинг ўзи катта гап, деб ўйлаймиз.

Ачинарлиси шундаки, советлар даврида «бундан буён замонавий йилмаиз, қадрсизланган буюмлар, замонавий бўлмаган урф-одатлар керакмас» деб, ўзлимизни, мил-лийдиганимизни унуттишга ҳаракат қилдик. Яхшиямки музейлар, ма-даний меросга яқлоқ қўйган одам-лар бор экан. Айрим намуналар сақлаб қолинди. Масалан, оддий-гина ўсмадон, нон ситқич, داش-шуй, жом, сатил (иситин қорай-дан махсус идиш) каби буюмлар ҳозирги пайтда қайси хонадонда бор? Эш авлод булар қандай буюмларини билишмайди ҳам.

Турғуллик йилларида юқори идораларнинг бирини ишлайдиган раҳбар музейимизга ташриф бую-риб қолди. Шу кун кишлоқдан келиб кўрғазмаларни томоша қи-лаётган кексаларни кўриб: «Бу жой санъат маснаи бўлса, беўх-шов қийимларда келишга уялма-динларми?» деб танаҳб бергани ёдимда. Хўш, отахонлар эғнидаги тўн, чакмон, салла, махси, калпич, этик, белбоғ ёни онахонлардаги катта рўмон, узун, кенг кўйла-калларнинг нимаси ёмон? Бу ҳам етмагандек ўша раҳбар музейи-нинг миллий бўлимидан ўрин ол-ган чилм, носовон, хуржун, ту-морлар, лавҳ, қалмақ ва бошқа ўзига ёқмаган халқ санъати наму-наларини эскиликка қўйиб, олиб ташлашни буюрган эди.

Хайтовур замон ўзгарди. Респу-бликамизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритгани ҳаётимизга ил-ҳомбахш ингилиларнинг янада бой-тиллани фикримизнинг ёни давлит-дир. Илгари рўхсат берилмаган буюм ва жиҳозлар ана ўз ўрни-ни топди. Хазинамизда сақланаётган халқ санъати турларидан бир қанчаси хоналарни бевоб турбиди. Улар орасида турмушда тортиб, па-рақчи-сочоли, тўнларча бор.

Маъруз АХМЕДОВ.

Ўзбекистон санъат музейининг катта иллий ходими.

Хар тўғрида



АМЕРИКАДА нашр қилинмаган «Амьосу» ҳафталигининг таъин-лашича, АШДА яшайдиган оғиллар-да мушу, илон, пирранда ва бошқа ҳайвонларни ҳисобга олмаганда 117 миллион ит боқилар экан.

СУРАТДА: доктор Майкл Лессер Нью-Йоркдаги ветеринария клини-касида бемор итинни қандай касал-ликка чаплаганини текширмоқда.



ЧСФР. Халқаро кинология феде-рацияси қознадаги стандартлар бў-йича комиссия итларнинг «тоғ ит» деб номланган янги зотини расмий ижтимодан тан олди.

СУРАТДА: итларнинг янги зотиға мансуб кучучча.

ТАСС суратлари.



Хафталик кўрсатувлар

Душанба, 20. I
УзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Узбекистон» ахбороти.

тади. «Карвон», 1-қисм.
20.00 «Узбекистон» ахбороти.
20.10 «Истеъдод». Адабий кўрсатув.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ
18.30 «Ассалому алайкум» [такрор].

«ОРБИТА IV»
(Москва)
15.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан].

18.00 Янгилликлар.
18.20 «Халокат учун ярим миллионда». 2-кўрсатув.

21.00 Янгилликлар.
21.30 Телевизион спорт кечаси.

«ДУБЛЬ IV»
(Москва)
16.55 «Шамол кўзгачи...» (Нурфазлаги уруш. Бир йил утга).

19.10 «Россия билан юзма-юз».
19.25 «Ез ҳақида хотира». Фалсафий эссе. Г. Померанс ва Э. Миркина.

Сешанба, 21. I
УзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Узбекистон» ахбороти.

21.00 «Узбекистон» ахбороти.
21.20 «Спортлото».
21.25 «Узбекистон халқ шонини Рамаз Бобожон таваллудининг 70 йиллигига бағишланган кеча.

Телефильм.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Ахлатхонадаги киши». Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси.

12.00 Янгилликлар.
12.20 Ритмик гимнастика.
12.30 «Флоренсий ҳақида туш». Хужжатли фильм премьераси [«Центрнаучфильм»].

14.45 «Савадо растаси».
15.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан].

18.00 Янгилликлар.
18.20 «Театр + ТВ».
22.30 «Лондондан меҳр билан ёки...» 3-кўрсатув. Д. Крилов оlib боради.

Телевизион бадий фильм.
1-серия.
«ДУБЛЬ IV»
(Москва)
8.00 Хабарлар.

17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
18.00 Хабарлар.
18.20 Эълонлар.

Чоршанба, 22. I
УзТВ I
8.00 «Узбекистон» ахбороти.
8.20 «Саодат». Филм-концерт.

18.20 «Тавлим ва маданий мерос».
19.00 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ
18.30 «Сибх одам». Телевизион бадий фильм.

12.00 Янгилликлар.
12.20 «Кеча яқин кун яқин бўлади...» Телевизион хужжатли фильм.

15.25 «Нафақат спорт ҳақида». Махмуд Эсамбеков.
15.45 «Маруси ҳола». Телевизион бадий фильм. 2-серия.

21.00 Янгилликлар.
21.30 «Кинопанорама».
22.45 «Пулларинимизни қайтариб ёки мен Шостаковични чамам...». Е. Шифрин.

8.00 Хабарлар.
8.20 Немис тили. 1-йил шу гулланатганлар учун.

10.35 Хужжатли фильм.
11.45 Е. Шаар. «Андаҳо». Кўргич спектакли.

Пайшанба, 23. I
УзТВ I
8.00 «Узбекистон» ахбороти.
8.20 «Лола Оқилова рақсга тушади». Филм-концерт.

19.00 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Карвон». 4-қисм.

УзТВ II
10.30 Табиатшўнослик. Сув — ҳаёт манбаи.

12.00 Янгилликлар.
12.20 «Эртанги кўрсатувлар тартиби».

14.10 «Ён дафтар».
14.15 «Телемист».
15.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан].

18.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.20 «Ахлатхонадаги киши». Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси.

Филм. 1-серия.
«ДУБЛЬ IV»
(Москва)
8.00 Хабарлар.

18.20 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
18.35 «Кирралар». Бадий-публицистик кўрсатув.

Жума, 24. I
УзТВ I
8.00 «Узбекистон» ахбороти.
8.20 «Мен юртининг пок истакли кучман...». Телефильм.

18.25 «Фармон ва ижро».
19.00 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

УзТВ II
10.30 Зоология. Судралиб юрчувлари.

12.00 Янгилликлар.
12.20 «Сайхатчилар клуби» [сурдо таржимаси билан].

17.00 «Василис Миқулишна». Мультфильм.
17.20 «Табасум». Болалар учун телеспектакль.

21.00 Янгилликлар.
21.30 «Соловёв ҳоқимияти». Бадий-публицистик фильм премьераси [«Мосфильм»].

9.20 Инглиз тили. 1-йил шу гулланатганлар учун.

Европа чемпионати.
19.25 «Оқини айтганда».
19.55 Ишдан бўш пайтингизда.

Шанба, 25. I
УзТВ I
8.00 «Узбекистон» ахбороти.
8.20 «Ошқ Ғариб». Бадий фильм.

13.10 «Йўлнинг бехатар бўлиши».
13.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II
ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:
9.00 «Савту қалом». Адабий-мусиқий кўрсатув.

«ОРБИТА IV»
(Москва)
7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги.

14.20 «Бойлар ҳам йнглайдилар». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.

19.05 «Сенинг беғубор сиймоини». Телеспектакль премьераси. И. С. Турғебев ҳасаси асосида.

«ДУБЛЬ IV»
(Москва)
8.00 Хабарлар.

14.00 «Чисте пруддаги уй». Р. Биков маркази.
16.00 «М-трест».

Якшанба, 26. I
УзТВ I
8.00 «Узбекистон» ахбороти.
8.30 «Сирли чол». Бадий фильм.

14.40 «Оқдарнинг оядин кунларини».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II
БИШКЕК КўРСАТАДИ:
9.00 Кўрсатувлар тартиби.

«ОРБИТА IV»
(Москва)
7.30 «Хўроэ учинчи бор қичқиргандан сўнг».

11.25 «Халма нарсас бўлиши мумкин». Ҳажиний кўрсатув.

18.10 «Улот Диней таништириди...».
19.00 Янгилликлар.

11.20-15.45
УЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНСИНИНГ
«ДУСТИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

18.00 Хабарлар.
18.20 Милли баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича наҳон чемпионати.



МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кеңаиси ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000. ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун ўзбек тилида чиқеди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
қабулхона — 33-53-76,
хатлар — 33-29-70,
32-53-79;
эълон ва тижорат хабарларини масъалалар бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва ўғринлиги учун жавобгарлиги уларин берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзмаси кўчаси, 41.